

**Собиржонов Санжар Собиржонович:** *“Иқтисодиётни реал секторида лизинг компанияларини такомиллаштириш йўллари”*.  
(5A230102 – Иқтисодиёт (ижтимоий соҳа иқтисодиёти).

**Илмий раҳбар:** и.ф.д., проф. Акрамов Э.А.

**Магистрлик диссертациясининг мақсади:** Мамлакатимиз иқтисодиётининг реал секторида лизинг компаниялари фаолиятини такомиллаштириш йўллари бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Магистрлик диссертациясининг вазифалари:**

- иқтисодиётнинг реал секторида лизинг компанияларининг зарурлиги, мақсади ва ташкилий асосларини назарий жиҳатдан ўрганиш;

- миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатаётган лизинг компаниялари фаолиятининг республикадаги ривожланиш босқичларини таҳлил қилиш;

- мамлакатимиздаги лизинг компанияларининг миллий иқтисодиётимизнинг реал секторини ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамиятини асослаш;

- иқтисодиётнинг реал сектори самарали ривожлантиришда лизинг компаниялари фаолияти ва иқтисодий тараққиётдаги улушини амалий таҳлил қилиш;

- иқтисодиётнинг реал сектори тараққиётида лизинг компанияларининг самарали бошқариш ва самарадорлигини оширишга қаратилган жаҳон тажрибасининг ижобий томонларини аниқлаш;

- лизинг компанияларидаги реал секторни самарадорлигини оширишда ва лизинг беришдаги учраётган мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.